




**Bukhara Regional
Administration**

**XIII INTERNATIONAL AVICENNA READINGS -
SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE
"ABU ALI IBN SINA: GREAT HERITAGE AND CIVILIZATION"**



**November 21-23, 2025
Bukhara city / Uzbekistan**

амалий йўл-йўриқлари меросхўрлари бўлмиш халқ табиблари фаолиятида яшаб келмоқда. Ана шундай меросхўрларидан бири фақат Ўзбекистондагина эмас, балки собиқ шўро худудида “Мўминжон Ҳаким” номи билан танилган марғилонлик олим ва тиббиёт арбоби Мўминжон Алиевдир. М. Алиев 1894 йили Марғилон шаҳрида туғилган. Марғилон, Бухоро мадрасаларида таълим олиб етук факих, тасаввуф илми билимдони бўлиб етишган. Энг муҳими у ўша даврда жуда ҳам зарур бўлган халқ табobati билан шуғулланиш мақсадида ўз вақтининг табибларидан тиббиёт сирларини ўрганган. Марғилон, Фарғона, Тошкент шаҳарларидаги шифохоналарда даволовчи врач ва жарроҳ сифатида ишлаган.



Ўзининг тиббий билими, халқ табobati тажрибаларини мукаммал билиши билан халқ ўртасида маълум ва машҳур бўлган. Мўминжон Ҳаким маҳаллий аҳоли ўртасида тарқалган касалликларни Ибн Сино томонидан яратилган дори-дармонлар билан даволаган. У Шарқ табobatiни замонавий медицина билан уйғунликда ишлатиш орқали касалларни даволаш бўйича афсонавий натижаларга эришган. Тошкент темирйўлчилар соғлиқни сақлаш қисмидага шифоханада узоқ йиллар ишлаб, медицина фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган. Мўминжон Ҳаким Сочи ва Одесса санаторийларида бош жарроҳ врач лавозимида ишлаб кўплаб давлат арбобларини, таниқли инсонларни даволаган. Кўпмиллатли жамиятда турли миллатга мансуб фуқароларни даволаб, уларнинг миннатдорчилигини олишга сазовор бўлган. Улуғ аллома 1976 йили 82 ёшида вафот этган. Марғилон шаҳридаги Катта қабристонга дафн этилган. Алломдан фарзандлар қолган. Таниқли киноактриса Дилором Қамбарова унинг набираси саналади. Алломдан фарзандлар қолган. Таниқли киноактриса Дилором Қамбарова унинг набираси саналади. Мўминжон Ҳаким умрининг охириги йилларида ўз

ҳаёти тўғрисида хотиралар ёзиб қолдирган. Бу хотиралар Ўзбекистон Давлат Марказий Архиви фондида сақланади. Бу хотира китобнинг биринчи жилди Раҳматулла Файзуллаев ва Нодиржон Абдулахатовлар томонидан “Сенга етмагунча тўхтамайман” (Мўминжон Ҳаким манокйби) номи остида “Noshir” нашриётида 2022 йили босилиб чикди.

Ушбу ноёб асарда Мўминжон Ҳакимнинг оғир ва машаққатли ҳаёти, илм ўрганиш, табobat билан шуғулланиши, турли хил шифобахш дорилар тайёрлаш усуллари ўз аксини тошган. Ундан ташқари

Хотира китобнинг иккинчи жилдида Мўминжон Ҳакимнинг табиблик ва врачлик тажрибалари, қандай касалликларни даволагани, юртимиз аҳолиси ўртасида кенг тарқалган касалликларни бартараф этиш йўллари берилади. Ҳозирча иккинчи китоб нашрдан чиққан эмас.

Хулоса. Мўминжон Ҳаким тиббий мероси эндиликда Халқаро Ибн Сино фонди хомийлигида илмий жиҳатдан ўрганилса адолатли бўлур эди.

Биринчи навбатда “Мўминжон Ҳаким замондошлари хотирасида” китобини нашрга тайёрлаш керак.

Иккинчидан, Мўминжон Алиевнинг жарроҳлик амалиёти туфайли қўлга киритилган ижобий натижалар тафсилотини алоҳида китоб қилиб чиқариш лозим. Телеканалларда Мўминжон Ҳаким тўғрисида илмий кўрсатувлар тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

ИБН СИНОНИНГ МИЗОЖ ТАБИЙЛИГИНИ ТИКЛАШ УСЛУБЛАРИ БИЛАН ЎСМИРЛАР ОШҚОЗОН ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШ САМАРАСИ

Усманходжаева А.А., Сафаров А.Ж.

Тошкент давлат тиббиёт университети

Тадқиқот мақсади: ўсмирлар мизожӣ ғайритабиийлигининг қайси турларида ошқозон-ичак касалликлари кўпроқ учрашини аниқлаб, мизож табиийлигини тиклашга оид Ибн Синонинг таомланиш меъёрларини татбиқ қилиш орқали ошқозон-ичак касалликларининг олдини олиш стратегиясини ишлаб чиқиш.

Манба ва усуллар: Тадқиқотда Абу Али Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарларидан фойдаланилган. Илмий амалиёт ва қиёсий таҳлил усуллари қўлланилган.

Натижа: Ибн Сино таомланиш ва жисмоний фаоллик мизожга мувофиқ келмаса, одам хилти таркиби бузилиб, унда ғайритабиийлик юзага чиқади деб ҳисоблаган. Ибн Сино назариясини амалий натижалар билан қиёслаб таҳлил қилганимизда, хилти табиий ҳолатдаги ўсмирларда ошқозон-ичак касалликлари ўта кам кузатилиши, ғайритабиий мизожли ўсмирларда эса, аксарият ҳолларда касаллик мавжудлиги ва унинг мизож ғайритабиийлиги билан пропорционал ривожлангани кузатилди.

Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги “Ahmad Middle school” НТМ ўсмир-ўқувчилари ўртасида тажриба-синов ишлари жараёнида ўсмирларнинг психологик, физиологик ва биокимёвий хусусиятлари чуқур ўрганилди. Тадқиқот натижаларига кўра, мизожӣ ғайритабиий ўсмирларнинг юқори тажовуз

паражаси нафақат психоемотсионал зўриқишлар билан, балки соматик ва метаболик номуносивликлар билан ҳам чамбарчас боғлиқлиги аниқланган. Ушбу тадқиқот ошқозон-ичак касалликларининг ривожланиш хавфини баҳолаш ва уларни олдини олиш ҳамда даволашда ўсмир мизожи табиийлиги, туғма темпераментини сақланишининг муҳим аҳамияти аниқланди. Тадқиқотда 212 нафар ўсмир иштирок этди, уларнинг ўртача ёши $13,6 \pm 2,4$ ёшни ташкил қилди. Иштирокчилар орасида 96 нафар қиз ва 116 нафар ўғил бола мавжуд бўлиб, уларнинг мизож табиийлиги ва темперамент турлари аниқланди. Натижаларга кўра, ҳар иккала гуруҳда ҳам ғайритабиий балғам, флегматик темперамент устунлик қилгани кузатилди. Шу билан бирга, бу ўсмирларнинг агрессивлиги таъсирида ошқозон-ичак касалликлари кўпроқ ғайритабиий сафро мизож – холерик ва ғайритабиий савдо мизож – меланколик темпераментга мансуб ўғил болалар ҳамда ғайритабиий балғам – флегматик темпераментга эга қиз болалар орасида учраши аниқланди. Олинган маълумотлар ўсмирларда ошқозон-ичак касалликларининг олдини олиш стратегияларини ишлаб чиқишда мизож табиийлиги хусусиятларни индивидуал ҳисобга олиш ва мизожга мувофиқ таомланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш орқали мизож табиийлигини тиклаш зарурлигини тасдиқлайди.

Абу Али Ибн Синонинг бу борадаги асосий қарашлари:

1. Мизождаги иссиқлик/совуқлик ва хўллик/қуруқлик мувозанатини таъминлаб турувчи таомларни истеъмол қилиш меъёрларига риоя қилиш.
2. Мизожга зид таом ғайритабиийликни келтириб чиқариши ҳолатларини олдини олиш.
3. Мизож ғайритабиийлиги аломатларини ўрганиш.
4. Мизожнинг содда ва мураккаб бузилиш ҳолатларининг таҳлили.
5. Мизожда иссиқлик/совуқлик ёки хўллик/қуруқлик ортиб, ғайритабиийлик кузатилганида мизожи зид таомлар истеъмоли билан даволаниш.
6. Мизожи иссиқ ҳамда совуқ озик-овқат маҳсулотлари ва таомларининг таснифи.

Муҳокама ва хулоса: Абу Али Ибн Синонинг мизожлар табиийлигини таъминлаш ва ғайритабиийлигини бартараф этишда таомлар таъсирига оид қарашлари ўсмирларнинг ошқозон-ичак касалликларини олдини олиш ва даволашга самарали натижа беради. Абу Али Ибн Сино меросини ўрганиш ва қўллаш миллий профилактик тиббиёт амалиётини такомиллаштиришда хизмат қилиши мумкин.

АБУ АЛИ ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИНИНГ АНЪАНАВИЙ ТИББИЁТ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

Хажиев С.О.

Урганч давлат тиббиёт институти

Кириш. Абу Али ибн Сино (980–1037) Шарқнинг энг машҳур олими, табиби ва файласуфларидан бири бўлиб, унинг илмий мероси бутун жаҳон тиббиёти ривожига муҳим ўрин тутди. Унинг “**Ат-Тибб ал-Қонун**” (“Тиб қонуни”) асари минг йилдан ортиқ вақт мобайнида нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам тиббиёт соҳасидаги асосий қўлланма бўлиб хизмат қилган. Ибн Сино таълимоти анъанавий тиббиёт ривожига назарий ва амалий жиҳатдан улкан ҳисса қўшди.

Асосий қисм. Ибн Сино таълимотининг илмий асослари- Ибн Сино тиббиётни фақат касалликларни даволаш воситаси деб эмас, балки инсон ҳаётини тўғри ташкил этиш санъати сифатида ҳам талқин этган. У табиат қонунларига асосланиб, инсон организмнинг физиологик ҳолатини табиий муҳит билан боғлаб ўрганган. Унинг фикрича, инсон саломатлиги табиат қонунларига мос ҳаёт кечириш орқали таъминланади.

“Қонун” асарининг анъанавий тиббиётдаги аҳамияти- “Тиб қонуни” беш китобдан иборат бўлиб, унда тиббиётнинг назарий асослари, умумий қоидалари, дори воситалари, касалликлар тавсифи ва уларни даволаш усуллари кенг ёритилган. Ушбу асар асрлар давомида анъанавий тиббиёт мактабларида асосий манба сифатида фойдаланилган. Ғарб олимлари – Жерард Кремоналик, Авиценна номи билан машҳур бўлган Ибн Сино асарини латин тилига таржима қилиб, уни Европадаги тиббий таълим дастурларига киритганлар.

Ибн Синонинг илмий янгиликлари:

1. Диагностикада кузатув ва тажриба усулини илмий равишда қўллаган илк табиблардан бири.
2. Қон айланиши, асаб тизими, инфекция ва касалликлар ўртасидаги боғлиқлик ҳақида илк фикрларни илгари сурган.
3. Психосоматик касалликлар – яъни руҳий ҳолатнинг жисмоний саломатликка таъсири ҳақида назария ишлаб чиққан.
4. Доришуносликда минглаб табиий моддаларнинг шифобахш хоссаларини тавсифлаб, уларни қўллаш усулларини ёзиб қолдирган.

Ибн Сино ва профилактик тиббиёт- Ибн Сино инсон соғлигини сақлашда тўғри овқатланиш, жисмоний фаолият, уйқу, ҳаво, сув ва руҳий ҳолатнинг аҳамиятини таъкидлаган. Бу ғоялар замонавий